



КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Мирзаев Анвар Сатторалиевич

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870438>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-avgust 2026 yil
Ma'qullandi: 08-avgust 2026 yil
Nashr qilindi: 10-avgust 2026 yil

KEYWORDS

коррупция, пора олиш, пора
бериш, айбланувчи,
жабрланувчи.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга оид жиноятларнинг ривожланиш тарихи, қадимда коррупцияга оид жиноятлар учун тайинланган жазолар ёритилган. Хусусан, қадимги Ҳиндистон, Миср ва Бобил давлатларида коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга тайинланган жазолар, шунингдек ўн тўққизинчи асрда коррупцион жиноятлар учун Фарбий Европада тайинланган жазолар ҳамда уларнинг самарами таҳлил қилинган. Коррупцион жиноятларнинг жамият ҳамда давлат манфаатларига қанчалик зарари ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Коррупция – ер юзидаги ҳар қандай мамлакат тараққиётига салбий таъсир этадиган иллатлардан биридир. Коррупция ва порахўрлик давлатни ич-ичидан емириши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи «Transparency International» ташкилотининг маълумотларига кўра, айни дамда дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига бир триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилади.

Коррупция реал воқеликда турли шаклларда пайдо бўлади. Ушбу шакилларнинг турли туманлиги коррупцияга уни ҳодиса ёки воқеа сифатида таъриф беришга ҳам таъсир қилади. Масалан, рус олимлари С.И. Ожегов ва Н.Ю. Шведова коррупцияни амалдор шахслар ва сиёсатчиларнинг ахлоқий бузилиши сифатида таъриф беришган¹. Мазкур «ахлоқий бузилиш» ноқонуний бойлик орттириш, порахўрлик, ўзлаштириш каби жиноятларда ҳамда давлат амалдорларининг ҳокимиятнинг барча тизимида жиноий унсурлар вакиллари билан бирлашиб кетишида намоён бўлади.

«Коррупция» латинча сўз бўлиб, «порага сотилиш, айниш» деган маъноларга эга. Унинг грамматик бир илдизли маъноси эса «коррозия» сўзи, яъни «чириш» ёки

¹ Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Ж.С. Мухторов, С.Б. Хўжакулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 76 бет.

«занглаш» деган мазмунни ҳам англатади. Шундан келиб чиқиб, бу сўзнинг ижтимоий кўриниши «ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш» деган маънони беради².

Бошқача айтганда, коррупция – сиёсат ва давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир.

Коррупциянинг тарихий илдизлари эҳтимол муайян қарорга эришиш учун совға бериш одатидан келиб чиққан. Қимматбаҳо совға ўз эгасини бошқа эҳтиёжмандлар орасида ажратиб турган ва унинг илтимоси бажарилишини осонлаштирган. Шунинг учун қадимги жамиятда коҳин ва раҳнамоларга ҳақ бериш нормал ҳолат ҳисоб ланган. Давлат аппаратини мураккаблашиши ва марказий ҳукумат ҳокимиятининг кучайиши натижасида профессионал амалдорлар, яъни ҳукумдорлар вужудга келди ва улар фақат белгилаб қўйилган мукофотлардан таъминланиши лозим бўлган. Амалда эса амалдорлар ўзларининг даромадларини яширинча ошириш учун ўз мавқеларидан фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

Коррупцияга қарши курашчи сифатида тарихий хотиралар сақланиб қолган биринчи ҳукмдор шумер шаҳар-давлати Лагаша подшоҳи Уруинимгина бўлган (тахминан эр. ав. 2319—2311 йилларда бошқарган). Коррупция учун намоишкорона ва жуда қаттиқ жазо чораларига қарамасдан, унга қарши курашиш кутилган натижани бермаган. Жуда борса нисбатан хавфлироқ жиноятнинг олдини олишга эришилган бўлсада, майда даражадаги ўзлаштириш ва порахўрлик кўринишидаги коррупция оммавий хусусиятга эга бўлган. Коррупциянинг муҳокамасига бағишланган биринчи илмий асар «Артха-шастра» деб номланиб, Бхарат (Хиндистон) вазирларидан бири Каутилья тахаллуси остида нашрдан чиқарилган (эр. ав. IV аср).

Шундай муаммо билан қадимги Миср фиравлари ҳам тўқнаш келишган. Чунки қадимги Мисрда озод деҳқонлар, хунармандлар ва ҳатто ҳарбийларга нисбатан ўзбошимчалик ва қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишни ўзларига эп кўрувчи амалдорларнинг улкан бюрократик аппарати вужудга келган эди. Барча даврларда судьяларнинг пора эвазига оғдириб олиниши алоҳида хавотирни вужудга келтирган, чунки бу мулкни ноқонуний тақсимланишига ва тортишувни ҳуқуқ доирасидан ташқари ҳал қилишга олиб келган.

Бобил ҳукмдори Хаммурапи қонунларида ҳам судьяларнинг порахўрлиги учун жавобгарлик масалалари ўрин эгаллаган. Жумладан, агар қози ишни кўриб чиқиб, ҳукм чиқариб, муҳри билан ҳужжат тайёрласа, кейин эса ҳукмини ўзгартирса, ўз қарорини ва ишдаги даъво миқдорини ўзгартирганликда айбланиши ҳамда даъво суммасининг 12 баравари миқдорида жарима билан жазоланиши, бундан ташқари, қозилар кенгашидан ҳайдалиши ва бу лавозимга бошқа қайтмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилган.³

Шунингдек, Қадимги римнинг XII жадвал қонунларида «conruptere» атамаси «пул эвазига судда ўз кўрсатмасини алмаштирмақ» ва «судяни сотиб олмоқ» мазмунида

² Ўша манба

³ <http://huquqburch.uz/uz/view/3583>

ишлатила бошланган: «Наҳотки сен, қонуннинг суд муҳокамаси жараёнида мазкур иш бўйича пул мукофотини олганлиги фош этилган судья ёки воситачи учун ўлим жазосини назарда тутувчи қарорини шафқатсиз деб ҳисоблайсан?»⁴

Бундан ташқари, дунёнинг етакчи динлари бежизга коррупция турлари орасида судьяларнинг пора эвазига оғдириб олишни биринчи навбатда муҳокама қилишмайди. Хусусан, Куръонда: «Бир-бирларингизнинг мулкларингизни ноҳақ ўзлаштириб олманглар ва бошқаларнинг мулкни ўзлаштириш ниятида қозиларга рибо берманглар», – дейилади.

Коррупцияни тушунишда Никколо Макиавеллининг ишлари муҳим аҳамиятга эга. У коррупцияни касалликка, масалан сил касаллигига таққослайди. Бошланишида уни аниқлаш қийин, бироқ даволаш осон. Агар у ўтказиб юборилса, уни аниқлаш осон, бироқ даволаш мураккаб бўлади⁵.

XVIII асрнинг охирларидан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга муносабати кескин ўзгарди. Либерал ўзгаришлар, «Давлат ҳокимияти фуқаролар манфаатлари учун фаолият кўрсатади ва амалдорлар қонунларга қатъий риоя этишлари эвазига фуқаролар ҳукуматни таъминлайдилар», – деган шиор остида рўй берди.

Хусусан, АҚШнинг 1787 йилда қабул қилинган Конституциясида пора олиш АҚШ Президентига импичмент эълон қилиш мумкинлиги аниқ кўрсатилган икки жиноятдан бири ҳисобланади. Жамият давлат аппарати фаолияти сифатига янада кўпроқ таъсир кўрсатишни бошлади.

Сиёсий партиялар ва давлат бошқарувининг кучайтирилиши, сиёсий элита ва йирик бизнес вакилларининг тил бириктириш ҳолатларини вужудга келтира бошлади. Шунга қарамай XIX—XX асрларда ривожланган давлатларда коррупция даражаси бошқа давлатларга қараганда пасайди⁶.

XIX ва XX асрлар оралиғида ривожланган давлатларда коррупция эволюциясининг янги босқичи бошланди. Бу даврда, бир томондан, давлат бошқаруви ва амалдорлар ҳокимияти мустаҳкамланишининг навбатдаги босқичи бошланган бўлса, бошқа томонидан, йирик хусусий бизнес вужудга келди ҳамда мазкур бизнес вакиллари «давлатни сотиб олиш» орқали рақобат учун курашдан қочишга кенг кўламда ҳаракат қила бошлашди. Ривожланган давлатларда сиёсий партияларнинг аҳамияти ошган сари (айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарбий Европа мамлакатлари) партиявий коррупция ривожлана бошлади. Йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар ўз манфаатларини қондириш учун шахсан сиёсатчиларга эмас, балки партия кассасига ҳақ тўлай бошлашди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса коррупция халқаро муаммо сифатида тан олинди. Корпорацияларнинг чет давлат олий мансабдор шахсларни сотиб олиш ҳолатлари оммавий тус олди. Глобаллашув натижасида бир давлатдаги коррупция бошқа кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келди.

⁴ Таблица IX. 3. Авл. Гелий / Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсинова. — М., 1999. — С. 120.

⁵ Қаранг: Макиавелли Н. Избранное. — М., 1989. — С. 78–79.

⁶ Қаранг: Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — P. 331.; Glaeser E. L., Goldin C. Corruption and reform: an introduction // NBER Working Paper 10775. 2004.

«Financial Times» газетаси ўзининг 1995 йил 31 декабрдаги сонидида 1995 йилни «Коррупция йили» деб эълон қилди. Коррупция ҳақидаги билимларни тарғибот қилиш учун БМТ – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни (9 декабрь)ни таъсис қилди.

1. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, коррупцияни пайдо бўлиши узоқ тарихга бориб тақалади ҳамда у макон ва замон танламайди. Бу муаммо барча давлат тизимларида, энг реакцион ва демократик давлат тизимларида ҳам мавжуддир, лекин бугунги воқеликда у жуда катта миқёсда ва хавфли шаклда кучайиб бораёптики, уни имкон қадар камайтириш ҳамда зарарли оқибатларини олдини олиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан, унга қарши курашиш ҳар бир мамлакатнинг асосий вазифаси, ҳар қандай жамият ва ҳар бир фуқаронинг ўз давлати ва халқи олдидаги бурчидир.

